

Шайх Абу Бакр Аҳмад ҳазратлари юртимизда



20:22 / 04.05.2024 1601

2024 йил 3 май куни юртимизга Ҳиндистон уламоларининг йирик намояндаси, Ислом арбоби, етук аллома, воиз, адиб, мударрис, Бутунҳиндистон мусулмон уламолар уюшмасининг Бош котиби, Каликутдаги Сунний маданият марказининг асосчиси ва раиси **шайх Абу Бакр Аҳмад** ҳазратлари бошчилигидаги бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюришди.

Шайх Абу Бакр Аҳмад ҳазратлари пойтахтимизда ҳурмат-эҳтиром ила кутиб олинди. Меҳмонларимизга устоз **Исмоилжон Муҳаммад Содиқ** ҳамроҳлик қилдилар.



Меҳмонлар дастлаб Кўкча даҳасидаги «**Шайх Зайниддин**» қабристонига келиб, фазилатли **шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф** роҳимаҳуллоҳнинг қабрларини зиёрат қилишди. Шайх ҳазратларининг марқадларида Қуръон тиловат қилиниб, Аллоҳ таоло у зотни набийлар, сиддиқлар, шаҳидлар ва солиҳлар билан бирга қилишини сўраб, дуолар қилинди.





**Шайх Абу Бакр Аҳмад ҳазратларининг юртимиз бўйлаб зиёрати
давом этмоқда.**